

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК:331.5(575.1)

ҚОРАБОЕВ НУРИДДИН ПАРДАБОЙ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ БОЗОРИДА НОРАСМИЙ
ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК
ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ МИСОЛИДА)**

**5A230110 – Демография. Мехнат иқтисодиёти
мутахассислиги бўйича**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:
и.ф.д. Абдураҳманова Г.К.**

ТОШКЕНТ – 2018

Магистрлик диссертация ишида ахолини норасмий иш билан бандлиги, унинг асосий турлари ва сонини аникланган йўллари ўрганилган. Шу билан бирга Ўзбекистон меҳнат бозорининг холати таҳдиди аникланган, меҳнат бозорида норасмий иш билан бандликни тартибга солиш ва норасмий иш билан бандликни тартибга солища касаба уюшмалари фаолияти ўрини аникланган. Диссертация якунида Ўзбекистонда норасмий иш билан бандликни тартибга солища хорижий тажрибалар ўрганилган.

In the magistracy dissertation the students learned how to identify unemployed people, their basic types and numbers. At the same time, the analysis of the situation of the labor market in Uzbekistan has been identified, the role of trade unions in the regulation of informal employment and the regulation of informal employment in the labor market. At the end of the dissertation, foreign experience in informal employment regulation in Uzbekistan was studied.

Магистрлик диссертация иши “Меҳнат иқтисодиёти ва социология” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган. _____ - сонли баённома «_____» 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.д. Абдурахманова Г.К




21.06.18

ИМЗО

санаси

Магистр: Корабоев Н.П.



ИМЗО

21.06.18

санаси

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ МЕҲНАТ БОЗОРИДА НОРАСМИЙ ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. Аҳолини иш билан бандлигининг ижтимоий-иктисодий моҳияти....	8
1.2. Аҳолини норасмий иш билан бандлиги, унинг асосий турлари ва сонини аниқлаш йўллари.....	17
1.3. Норасмий иш билан бандликни тартибга солишда давлат сиёсати.....	23
I боб бўйича хулоса.....	29
II БОБ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ АҲОЛИНИ НОРАСМИЙ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАҲЛИЛИ.....	30
2.1. Ўзбекистон меҳнат бозорининг ҳолати таҳлили.....	30
2.2. Меҳнат бозорида норасмий иш билан бандликни тартибга солиш таҳлили.....	39
2.3. Норасмий иш билан бандликни тартибга солишда касаба уюшмалари фаолияти.....	44
II боб бўйича хулоса	48
III-БОБ НОРАСМИЙ ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	50
3.1. Ўзбекистонда норасмий иш билан бандликни тартибга солишда хорижий тажрибаларнинг ўрни.....	50
3.2. Меҳнат бозорида норасмий иш билан бандликни тартибга солишнинг асосий йўналишлари.....	53
III боб бўйича хулоса	56
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	58
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	60
ИЛОВАЛАР	65

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимиз аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий–иктисодий тараққиётнинг устувор йўналишларидан бири, халқ турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришнинг муҳум шарти сифатида белгиланган. Аҳолини иш билан таъминлаш биз учун нафақат иктиносидий, айни пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Миллий меҳнат бозорининг эътиборга молик ўзига хос хусусиятлари бири норасмий секторда иш билан бандликнинг юқори даражаси ҳисобланади.¹ 2017 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси бўйича 4.2 млн киши жами банд аҳолининг 31.0% иктиносидиётнинг норасмий секторида бандлиги ҳисоблаб чиқилган шунингдек, норасмий иктиносидиёт улуши Ўзбекистон ЯИМнинг 50 фоиздан кўпроғини ташкил этмоқда². Бу ўз навбатида иктиносидиётнинг ривожланишига ва бюджет тушумларига халал бермоқда. Иктиносидиётнинг норасмий секторида меҳнат муносабатларини қонунийлаштириш учун шартшароитлар яратиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш лозимки, хорижий давлатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда норасмий равишда иш билан банд бўлган кишиларнинг салмоғи жуда катта. Бу мамлакатда норасмий иктиносидиёт тизими мавжудлигидан далолат беради.

Аҳолини норасмий бандлигига, ҳар қандай воқелик негизида бўлгани каби, фуқаролар, корхоналар, қолаверса бутун иктиносидиёт учун ижобий ҳам салбий томонлари мавжуд. Фикримизча, Ўзбекистонда норасмий бандликнинг ҳажмини камайтириш зарур чора тадбирларини жонлантириш зарур, чунки унинг улуши ва амалдаги қонунчилик нормалари ёрдамида тартибга солинмайдиган норасмий иктиносидиётнинг улуши ҳам жуда юкори. Бунинг учун амалдаги солиқ тизимини ва давлат сиёсатини

¹ Ш.Мирзиёев. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий – иктиносидий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишлиланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъruzasi Xалқ сўзи 2017 й. 16 январь

² <https://www.gazeta.uz/uz/2018/01/12/yashirin-iqtisodi>